

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 182 (6. 073)

1986 йил 9 август, шанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

МУСОБАҚА БИЛАН МУСТАҲКАМ МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ БИР-БИРИДАН АЖРАЛ-МАСДИР. УНИНГ ҲАР БИР ҚАТНАШЧИСИ МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ЮКСАК АҲЛОҚИЙЛИК ВА УШУҚОҚЛИК НАМУНАСИ БУЛИБ ҚОЛСИН!
(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан).

Жадал суръат билан

КПСС XXVII съезди фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва шу асосда ҳўжаликни янада юксакроқ сифат даражасига ўтказиш — ривожланишнинг беш йўли эканлиги белгиланган. Бундан тўғри хўса чикарган «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив кўпгина жараёнларни техника билан қўроллантириш ва ўн иккинчи беш йилликда бакаринилган ишларнинг режалаштириб олди. Шунга кўра бу йил янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш

бўйича 41 та тадбир амалга оширилди. Иккинчи янги буюм ўзлаштирилиб, «СХУ—4» маркали селёка давлат Сифат белгиси аттестациясига ҳавола этилди.
Корхона цехларида эса техника билан қайта қўролланиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган. Яқинда бу ерда янги поток линиянинг ишга туширилган фикрмизнинг далилидир. У корпус деваллари, роторлар, тупроққа герметик соладиган мосламалар таркибига кирадиган насосларга ишлов берувчи агрегат ва махсус станоклар асосида ишлайди.
Линиянинг монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишда мас-

тер-конструкторлар, технологлар, бирлашма ишлаб чиқариш илгорлари иштирок этишди.
КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланган коллектив янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Бу ерда социалистик мусобақа тобора авж олдирилиб, йиллик план топширкини муддатидан илгари адо этиш, пиландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Меҳнат уюмдорлиги пиландиган 0,5 процент оширилди. 2,5 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

Бинокорларнинг

масъулиятли вазифалари

КПСС XXVII съезди капитал қурилишни тубдан яхшилашни талаб қилди. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида 8 август кўни бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон бинокорларининг масъулиятли вазифалари, тармоқни тақомиллаштириш йўллари тўғрисида гапирилди.

Курувчиларнинг профессионал байрами — Бинокорлар кўни муносабати билан бу ерда ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳаммадалиев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари

партия XXVII съезди белгиланган режаларни амалга оширишга, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини бажаришга республика бинокорлари муносиб ҳисса қўшади, деб ваъда бердилар.

Ун биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли уйдалаган ишлаб чиқариш илгорларига СССРнинг ордени ва медаллари топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашди.

Одамларга тинчлик керак

7 август кўни Тошкентдаги 2-автомобилда бўлиб ўтган урушга қарши митингда тинчликчи, империалистик давлатлар бошлаган ракета-ядро қўролланиш пойғасини тўхтатишга даъват сўзлари ахтирос билан янгради. Митинг Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари Америка томонидан атом бомбардировки қилинганлигининг 41 йиллиги муносабати билан мамлакатда бошланган ядровий қўролсизланиш учун кураш ҳафталиги доирасида ўтказилди. Митингга сўзга чиққан корхона вакиллари совет кишилари Ер юзидида тинчликни сақлаб қолишга, инсоният боши узра пайдо бўлган ядровий фалокат хавфини бартараф этишга астойдил интилаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Коллективимиз меҳнатчилари, — деди автослесарь Р. Соликов, — халқларни ҳарбий ҳаракатларнинг оғир юкидан халос этишга, оммавий қирғин воситаларини бутунлай тўғатишга қаратилган совет тинчлик ташаббусларини барча совет кишилари қатори астойдил маъқулламоқдалар. Биз Ер юзидида барча тинчлик курашчиларини Америка империализмининг ядровий қўролланиш пойғасини тўхтатишга мажбур этиш, Хиросима фожиаси такрорланишига йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишга чакиримиз.

Мастер С. Эшонхонов, инженер Ф. Караташчў, ҳайдовчи В. Лиховидов ва бошқалар касбдош ўртоқларининг гапларини қўллаб-қувватлаб, Ер юзидида тинчликнинг ишончли таянчи бўлган Советлар мамлакатини куч-қудратини зарбдор меҳнатчилари билан мустаҳкамлашларини айтдилар.

Митинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилинган резолюцияда барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик учун курашган КИСС ҳамда Совет ҳўкуматининг тинчликсевар йўлини қизгин маъқулладилар. Автомобилда коллектив бу инсонпарварлик сиёсатини амалий ишлар билан

қўллаб-қувватлашга интилиб, 12 август кўни тинчлик вахтасини ўтказишга ва бир кунлик иш ҳақини Совет тинчлик фондига топширишга қарор қилди.

Шу кўни Ўзбекистондаги бошқа меҳнат коллективларида ҳам урушга қарши митинглар бўлиб ўтди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамоиятида ўтказилган учрашувда тинчлик мавзуси асосий мавзу бўлди. Тошкент ишчи ва ўқувчи-ёшларининг вакиллари, Совет Иттифоқида ўқитган чет эллик студентлар бу ерга келдилар.

Совет Иттифоқида келганимга тўғизи йил бўлиб қолди, — деди суриялик Муҳаммад Хайсам Тафноқжи. — Ҳозир ординатуранга тамомлашган. Болаларни даволайман. Менимча, уруш—инсонлар ўзининг бутун тарихи мобайнида ўйлаб топган энг даҳшатли нарсасидир. Чунки урушда, энг аввало, болалар ҳалок бўлишади, улар қайғу-алам ва кулфатларга дучор бўладилар. Мен тинчлик учун курашда Совет Иттифоқидаги тенгқўрларим билан тамомила бирдамман ва: «Йўқолсин уруш!» — дейман.


Биз турли мамлакатлардан СССРга ўқиш учун келганмиз, аммо совет кишилари билан яқинлигимиз — тинчликсиз планетамизнинг истикболи йўқ, — деди панамалик студент Сальвадор Баррига.

Йигит ва қизлар тошкентлик тенгдошларига ўз мамлакатларида тинчлик учун ўтказилаётган ҳаракат тўғрисида, совет ёшлари билан учрашув ва сўхбатлардан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ёшларнинг бу учрашувини чет эллик студентларнинг Ўзбекистон бўйлаб бир ҳафталик сафари программасига киритди. Улар Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги йирик саннат корхоналарида, музейлар ва театрларда бўлишлар, ана шу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

(ЎЗТАГ).

Замондошимиз



Эртага — Курувчилар кўни

УСТА

— Сиз курувчисиз. Танланган касбингиздан мамнунисиз!
— Мамнун бўлганда қандоқ. Ахир, 2000 ёшли Тошкент ҳам инсон қўли билан яратилган. Замонавий шаҳар қўлка бўй чўзаётганида оз бўлса ҳам улушим борлигидан хурсандман!
— Курувчида қандай ҳислатлар бўлиши керак!
— Энг биринчиси жасурлик. Масалан, дорбоз ўз ҳўнарини нари борса 10 метр баландликда кўрсатади. Шаҳарда қурилатган бинокор эса кун сайин юксакликка кўтариляпти. Демак, камиди 50 метр баландликдаги ҳавозадан пастга қараганда чўчимайдиган кишигина курувчи бўла олади. Иккинчи ҳислат — маҳорат сари интилиш. Курувчи муеян маҳоратга эришганидан кейингина уста деган номга сазовор бўлади.
— Қурилишга қачон келгансиз ва касбин қандай ўрганган бўлгансиз!
1958 йилда келганман. Дўч келган ишни буюришарди. Аввал дурдодорликни, аста-секин бетончилик, монтажчилик, пайвандчиликни

ўргандим.
— Аяин кўнларда қандай бинопар қуриясиз!
— Курувчилар кўни олтидан бригадамиз Юнусободда янги ётоқхона биносини графикадан ўн беш кун олдин пардозовчиларга топширди.
— Энди сизни уста дейишадими!
...Сўхбатдошим иккиланди. Сўхбатга 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси прораби Фарҳод Пулатов қўшилди.
Ҳа, сўхбатда кўриб турган замондошимиз Абдуазим ака Юнусовни чинакам уста деса бўлади. У ўз касб сирларини миридан-сирига билади. 1970 йилдан бери комплекс бригаданинг етакчиси, КПСС аъзоси, 1973 йилда Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлди. У ўнлаб ёшларнинг устози.
Сўхбатни М. МУРДОВ ёзиб олди.
(Курувчилар кўнига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-сўхтасида ўқисиз).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Шаҳар партия комитети бюроси 7 августда КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролин ошириш тўғрисида» қарорини бажариш юзасидан В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени партия комитетининг иш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу нарсга таъкидландики, партия комитети, цех партия ташкилотлари мазкур қарорини бажара бориб, комсомол ташкилотларининг фаолиятини, йигит ва қизлар сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга кўпроқ эътибор берилган бўлган, гоёвий-сиёсий тарбия ишларининг таъсирчанлиги ошди.

Шу билан бирга шаҳар партия комитети бюроси бошқарма партия комитети, цех партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарори муҳокамасига юзани ёндошганлар, комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга қўроқ бўлишга, гоёвий-сиёсий тарбия ишларининг таъсирчанлигини ошди.

Айрим цех партия ташкилотлари комсомол ташкилотлари фаолиятининг моҳиятига чўқур кириб бормайлганлар, уларга кўндалик амалий ёрдам кўрсатмайлганлар. Ёшлар билан ишлаш учун коммунистларнинг масъулиятли сўст олиб боришти. Партия комитети ва партия бюросининг ишнинг ана шу соҳаси учун жавобгар аъзоларининг ҳисоботлари мажлисларда ва партия йиғилишларида кам тингланади.

Комсомол кадрлари ва активларини танлаш ва жўй-жўйига қўйиш бўйича ишлар фаолиятининг сўст бўлиб қолган. Кам ташаббус кўрсатувчи, ҳаётда тобланмаган, ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлмаган ёшларни комсомол ташкилотларининг секретарилигига комсомол комитетларининг аъзолигига кўтариш давом этмоқда. Натияжада сўнгги бир ярим йил мобайнида комсомол ташкилотларининг секретарилиги юз фойз ўзгарди, уч комсомол активисти салбий сабабларга кўра овоз қилинди. Комсомол кадрларнинг резерви билан тегиниш иш олиб борила-япти.

Партия комитетлари, цех

партия ташкилотлари комсомол-сиёсий маорифи системасида ўқинишнинг бориши устидан назоратни йўлга қўйишга, йигит ва қизларни физкультура ва спортга оммавий жалб этиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилаётгани. Комсомол ташкилотларининг иш услуби ва методларини тақомиллаштиришга, комсомолнинг барча бўғинлари жанговарлигини оширишга кам эътибор берилмаган.

Кўпгина цех комсомол ташкилотларининг фаолиятини ҳали йигит ва қизларнинг эътиёбини тўла қондирмайдиган. Бюро КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш бўйича Тошкент метрополитени партия комитети ишидаги мавжуд индий камчилик ва нуқсонларни қайт этиб, партия комитетининг секретари А. К. Кривошвинкинга, партия комитетининг аъзоси Ш. Шоабдурахмоновга, цех партия ташкилотларига уларни кўрсатиб ўтди ва цех партия ташкилотлари зиммасига қайт этилган камчиликларни тўғатиш учун аниқ чора-тадбирларни кўриш, КПСС XXVII съезди талаблари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини активлаштириш, комсомол ташкилотларининг фаолиятини раҳбарлиги, уларнинг жанговарлигини ошириш масалалари партия комитети ва цех партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қўйилишга эришиш ваъдаларини қўлади.

Бюро 1980 йилнинг биринчи ярмида шаҳарда ягона сиёсий кўнларни ташкил этишга ва ўтказиш аяқларини муҳокамга қилди.

Бюро ўтган йилнинг иш даярига нисбатан ягона сиёсий кўнларда иштирок этувчи сайламма партия актив аъзоларининг сони бирмунча кўпайганини таъкидлади. Раҳбарларнинг, шаҳар партия активининг учрашувлари тобора аниқлик касб этаётти. Улар қайта қўриш ва жадаллаштириш, социал-иқтисодий тарбиялаш масалаларига дахлдор бўлиб, коллектив маънавий-психологик муҳитнинг яхшиланшига, инсон омилининг активлашувига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга юзакни ёндошиш ва дабдабаозлик, айрим партия ва совет ҳодимларининг, ҳўжалик раҳбарларининг одамлар билан ошқора, ҳалол сўхбат олиб бориши нистамаслик, баъзан

эса ҳадиксираш холлари ҳам кузатилаётган. Район партия комитети томонидан тегишли назорат бўлмаганлиги натижасида 1-автомобилда, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, 5-кўп профилли болалар касалхонасида, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида, Ақмал Икромов район ошхоналар трестиди раҳбарлар билан учрашувларда жамий ишчи ва хизматчиларнинг учдан бир қисми иштирок этаётти холос. Қатор партия ташкилотлари сиёсий кўнларнинг аҳамиятини ҳалигача тўғуниб етиганини йўқ.

Тошкент шаҳар комсомол комитети ёшлар билан жуа оз жонли мулоқотда бўлади, комсомол активи эса ишнинг ана шу муҳим қўринишидан амалда четлашиб қолган. Шаҳар икромия комитети ва район икромия комитетларининг бошқарма ва бўлимлари меҳнаткашларнинг саволларига, шикоятларига, эътирозларига сабаб бўлувчи холларни чўқур ўрганишмайди.

Хали барча районларда ҳам амалий учрашувлар кам сонли коллективларга, аҳоли яшаш жойларига, жумладан, ёшларнинг ётоқхоналарига кўчирилган. Бундай учрашувлар пенсонерлар, уй бакалари ўртасида олиб борилаётган.

Бюро ягона сиёсий кўнларни ўтказиш практикасида камчилик ва нуқсонларни қайт этиб, район партия комитетлари уларнинг барча бўғинлари сўст ишлатганини кўрсатиб ўтди, район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари зиммасига қайт этилган камчиликларни тўғатиш, уларнинг раҳбар ҳодимларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлашдаги ролин, интизом ва ушўқоқлигини ошириш юзасидан чора-тадбирларни кўриш, меҳнаткашларни КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талаблари асосида шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллашувчи вазифаларини ҳал этишга сафарбар этиш ваъдаларини юкледи.

Шаҳар партия комитети бюроси шаҳар экономикаси ва социал ҳаётининг, партия ташкилотлари фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Ёшлар ғайрати

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг 4-курс меҳнат семестрини юксак савияда ўтказишди. Шу кўнларда 450 дан зиёд студентларимиз 12 қурилиш отрядига бирлашиб, Тошкент шаҳри ва об-ластини қуришларида меҳнат қилмоқда.

Бў йилги меҳнат семестрида студент-курувчиларимиз 600 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширадилар. Шу кўнганча улар 450 минг сўмликдан ортиқ иш бажаришди. Чўноқчи, «Камалак» отряди аъзоси филолит кўрсатяпти. 30 кишидан «Борат Бу» отряд аъзолари Ўзбекистон ССР Геология министри-нинг ўқув-ишлаб чиқариш базаси қурилишида ибратли ишларни амалга оширишди. Улар 92 меҳанизациялашган кўча колониянинг шўмурияти билан 30 минг сўмлик ҳажмдаги ишни бажариш юзасидан шартнома тўзган эдилар.

Отряд командири, 5-курс студенти Азиз Худойназаров ва отряд комиссари Тўйчи Тўмановларни барча студентлар ҳўрмат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу икки комсомол аъзоси 4-резервдаги ишт тўрувчи бўлиб, унумли ва сифатли меҳнатлари билан бошқаларга ўрнат қўрсатиш-япти. Отряднинг яна бир аъзо-

си Ғайрат Омонов тўртинчи разрядли сувоқчи, Абдуваҳоб Алибоев эса учинчи разрядли электр пайвандчи.

Маълумки, ВЛКСМ Марказий Комитети 18 июль, 1 ва 8 август кўнларини меҳнат байрами деб эълон қилган. Отряднинг студент-курувчилари 18 июль ва 1 август кўнлариди 2 минг 800 сўмлик иш бажаришди. Иккинчи кўнлик иш ҳақларидан 180 сўмлик Чирнобилга ёрдам фондига ва Тинчлик фондига ўтказдилар.

Студентларимиз Ақмал Иромов райониди «Юлдаш» пионер лагерини ортилиқчи олишган. Улар бу ерда тез-тез бўлиб, пионерлар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Лагернинг ҳўжалик ишларида ақиндан ёрдам беришмоқда. «Камалак» отряди аъзолари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан, комсомолнинг XX съездини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришмоқдалар. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятини бажаришларида ишончимиз қомил.

И. ТУРСУНОВ, республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг 4-курс студенти, институт марказий қурилиш штабининг командири.

ЭЛЛИК МИЛЛИОН ДАФТАР

Тошкент қорғоз комбинати коллектив янги ўқув йилида ўқувчи ва студентларни дафтарлар билан таъминлаш учун қизгин меҳнат қилмоқда. Корхонада йил бошдан бунён тайёрланган дафтар 47 миллион нуқсаддан ортиб кетди. Йил охирига бориб, бу рақам 50 миллиондан зиёд бўлади. Бундан ташқари ўрта ва олий ўқув юртилар студентлари учун ўн бир миллион донга 48 ва 96 арақли дафтарлар тайёрланмоқда.

Корхона коллективи ҳозирги пайтда йиғирма хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқариш суръатини оширишда социалистик мусобақанин шарафати бебаҳо бўлаяпти. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасидан илҳомланган комбинат ишчилари ва мутахассислари ишлаб чиқариш суръатини ой сайин оширишмоқдалар. Дафтарлар бошқарувчи Л. Растифонов, Е. Орлов, А. Грибов, М. Қўзибоева каби ишчилар смена топшириқларини 105 процентга етказиб адо этишмоқда.

Мастер С. Эшонхонов, инженер Ф. Караташчў, ҳайдовчи В. Лиховидов ва бошқалар касбдош ўртоқларининг гапларини қўллаб-қувватлаб, Ер юзидида тинчликнинг ишончли таянчи бўлган Советлар мамлакатини куч-қудратини зарбдор меҳнатчилари билан мустаҳкамлашларини айтдилар.

Митинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилинган резолюцияда барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик учун курашган КИСС ҳамда Совет ҳўкуматининг тинчликсевар йўлини қизгин маъқулладилар. Автомобилда коллектив бу инсонпарварлик сиёсатини амалий ишлар билан

йил-партиявий ишлар бўлимининг мудури П. В. Договнин наприёт вакилларига кўчма Қизил байроқни топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан наприёт ходимлари фахрий мукофот уларни янги-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиришини айтдилар. Коллективнинг шу йил учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни қайта кўриб чиқилди ва уни ошириш тадбирлари белгиланди.



Янги спорт комплекси

БУГУН

Юнусобод массивидаги иккинчи кварталда янги спорт комплекси ишга тушди. Комплексида иккинчи волейбол, баскет-

бол, қўл тўпи, минн-футбол, савкизта теннис корти, саломатлик шаҳарчаси, тренерлар хонаси бор. Спорт комплексини тиклашда «Центразнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хизмати катта бўлди. Бирлашма томонидан бинокор тикланди. Коммуникация воситалари монтаж қилинди, кўргазмалли агитация воситалари жўзоланди.

Комплекс Киров райони аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтининг мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Уни тиклашга райондаги 32 корхона, муассаса ва ташкилотлар

ишчи ва хизматчилари ҳисса қўишди. Улар Волга автомобил заводи коллективининг ташаббусига қўишди ва вақтидан ташқари пайтларда тўрт кундан шу объектда ишладилар. Шунинг учун ҳам комплекс муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: спорт комплексининг очилиш маросимидан олган раҳбарларнинг сўхбатлари. Т. Каримов фотолари.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10